

ISSN 2010-7242

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR
VAZIRLIGI

**INFORMATIKA VA ENERGETIKA
MUAMMOLARI**
O'zbekiston jurnali

Узбекский журнал
**ПРОБЛЕМЫ
ИНФОРМАТИКИ И ЭНЕРГЕТИКИ**

**Uzbek Journal
OF THE PROBLEMS OF
INFORMATICS AND ENERGETICS**

2

2025

FAN VA TEXNOLOGIYA

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR
VAZIRLIGI
МИНИСТЕРСТВО ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

ИНФОРМАТИКА
VA ENERGETIKA
MUAMMOLARI

2·2025

ПРОБЛЕМЫ
ИНФОРМАТИКИ
И ЭНЕРГЕТИКИ

*Журнал под таким названием издается с января 1992 г.
по 6 номеров в год*

Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi

ТАШКЕНТ– 2025

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Ш.Х. ФАЗЫЛОВ (*главный редактор*)
Х.М. МУРАТОВ (*зам. главного редактора*)
Б.М. АЗИМОВ (*ответственный секретарь*)
О.З.ТОИРОВ (*ответственный секретарь*)
Ф.Т.АДЫЛОВА
С.Ф.АМИРОВ
Р.А.ЗАХИДОВ
Х.З.ИГАМБЕРДИЕВ
М.А. ИСМАИЛОВ
О.Х.ИШНАЗАРОВ
А.В.КАБУЛОВ
М.М. КАМИЛОВ
А.Р.КАРПЕНКО
Н.М.МИРЗАЕВ
М.М.МУСАЕВ
В.Н.ОПАНАСЕНКО
С.А.САДУЛЛАЕВ
В.В.СТАРОВОЙТОВ
Л.Ф.СУЛЮКОВА
Г.Н.УЗАКОВ
С.С.ХАЛИКОВ
Р.Х.ХАМДАМОВ
А.А.ШАВАЗОВ

Адрес редакции:

100173, г.Ташкент, ул.Фозилтепа, 22б
Телефоны +998 90 927 72 13, +998 90 965 43 28
e-mail: informatika-energetika@mail.ru

*Редактор: Ш. Кушербоева
Технический редактор: А. Муйдинов
Компьютерная верстка: Ш. Миркосимова*

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации Республики Узбекистан 22.12.2006 г.
Регистрационный №0046. Изд. лиц. А1 №149, 14.08.09. Изд. №3-75. Сдано в набор 28.10.2025 Подписано в печать.
05.12.2025 Формат 60×84 1/8.
Гарнитура литературная. Печать офсетная. Бумага офсетная. Усл-печ. л. . 11.42. Уч. - изд. л.7.81. Тираж 150. Заказ № ...
Цена договорная.

Издательство «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»: 100173, г.Ташкент, ул.Фозилтепа, 22б.
Отпечатано в типографии Научно-исследовательского института развития цифровых технологий и
искусственного интеллекта при Министерстве цифровых технологий
Республики Узбекистан: 100125, Тошкент ш., Буз-2 мавзеси,17А уй.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»

ТАШКЕНТ – 2025

УЎК 621.3.072.9

Х.М. МУРАТОВ, Ж.Н. ТОЛИПОВ, Б.Н. ЭРКИНОВ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИДА ТАҚСИМЛАНГАН ГЕНЕРАЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ҚУВВАТ ОҚИМИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ушбу мақолада тақсимланган генерация манбалари уланган электр тармоқларда қувват оқимини оптималлаштириш муаммолари ва уларнинг ечим усуллари таҳлил қилинади. Тақсимланган генерация манбаларини интеграция қилиш натижасида икки томонлама қувват оқимлари, тикланувчи энергия манбалари чиқишининг ноаниқлиги ва тармоқ тузилиши мураккаблашуви каби муаммолар юзага келади. Мақолада анъанавий детерминистик оптималлаштириш усуллари – чизиқли ва ночизиқли дастурлаш ҳамда замонавий сунъий интеллект асосидаги методлар – генетик алгоритм, заррачалар тўдаси, сунъий нейрон тармоқлар ва машина ўқитиш технологиялари ёритиб берилган. Шунингдек, марказлашган ва тарқок бошқарув тизимлари, энергия саклаш тизимларининг тармоқ барқарорлиги ва ишончилигини оширишдаги роли муҳокама қилинади. Турли бошқарув усуллари назорат даражаси, мураккаблик, мослашувчанлик ва барқарорлик мезонлари бўйича таққослаб таҳлил қилинган. Таклиф этилган ёндашувлар қувват оқимини самарали бошқариш, йўқотишларни минималлаштириш ва кучланиш барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: тақсимланган генерация, қувват оқимини оптималлаштириш, электр тармоқлар, оптималлаштириш усуллари, тармоқ барқарорлиги.

Х.М. Муратов, Ж.Н. Толипов, Б.Н. Эркинов

Интеграция источников распределённой генерации и стратегии оптимального управления потоками мощности в электроэнергетических системах

В данной статье рассматриваются проблемы и методы оптимизации потоков мощности в электрических сетях с подключёнными источниками распределённой генерации. Интеграция распределённых источников порождает такие сложности, как двусторонние потоки мощности, неопределённость выходной мощности возобновляемых источников энергии и усложнение структуры сети. В работе представлены традиционные детерминированные методы оптимизации – линейное и нелинейное программирование, а также современные методы, основанные на искусственном интеллекте – генетические алгоритмы, рой частиц, искусственные нейронные сети и технологии машинного обучения. Кроме того, обсуждается роль централизованных и децентрализованных систем управления, а также систем накопления энергии в повышении стабильности и надёжности электросетей. Проведён сравнительный анализ различных методов управления по уровням контроля, сложности, адаптивности и способности повышать устойчивость системы. Предложенные подходы способствуют эффективному управлению потоками мощности, минимизации потерь и улучшению устойчивости напряжения в интеллектуальных распределительных сетях с высокой долей распределённой генерации.

Ключевые слова: распределённая генерация, оптимизация потоков мощности, электрические сети, методы оптимизации, стабильность сети.

Integration of Distributed Generation Sources and Optimal Power Flow Control Strategies in Electric Power Systems

This article analyzes the problems and solution methods of power flow optimization in electrical networks with integrated distributed generation sources. The integration of distributed generation creates challenges such as bidirectional power flows, uncertainties due to renewable energy variability, and increased network complexity. The paper presents classical deterministic optimization methods, including linear and nonlinear programming, as well as modern artificial intelligence-based techniques such as genetic algorithms, particle swarm optimization, artificial neural networks, and machine learning approaches. Additionally, the role of centralized and decentralized control systems, as well as energy storage systems, is discussed in enhancing grid stability and reliability. Comparative analysis of different control methods is provided based on control level, complexity, adaptability, and stability improvement. The proposed solutions contribute to efficient management of power flows, minimization of losses, and improvement of voltage stability in smart distribution networks with high penetration of distributed generation.

Keywords: distributed generation, power flow optimization, electrical networks, optimization methods, network stability.

Ҳозирги кунда электр энергетика тизимларида тақсимланган генерация манбаларининг улуши ортиб бормоқда. Тикланувчи энергия манбалари - қуёш, шамол, биомасса ва бошқалардан фойдаланиш нафақат атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатади, балки электр таъминоти тизимининг диверсификацияси ва барқарорлигини таъминлаш имконини ҳам яратади. Бирок тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларига кенг миқёсда интеграция қилиниши қатор техник ва бошқарув муаммоларини келтириб чиқармоқда. Хусусан, электр тармоғида қувват оқимини самарали бошқариш масаласи ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Тақсимланган генерация манбаларининг ишлаш хусусиятлари анъанавий марказлашган генерация тизимларидан тубдан фарқ қилади. Шу боисдан, ушбу мақолада тақсимланган генерация шароитида қувват оқимини бошқаришда вужудга келадиган асосий муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилади.

Тақсимланган генерация шароитида қувват оқимини бошқаришдаги куйидаги муаммоларга дуч келади [1-3]:

- икки томонлама қувват оқими: тақсимланган генерация манбалари тармоққа нафақат энергияни етказиб бериши, балки истеъмолчилардан ортиқча энергияни қайтариши мумкин. Бу эса тармоқдаги қувват оқимининг йўналишини ўзгартириб, кучланишнинг нотўғри тақсимланишига ва ортиқча юклага олиб келиши мумкин.

- ноаниқлик ва ўзгарувчанлик: қуёш ва шамол энергияси каби тикланувчи энергия манбаларининг чиқиши ноаниқ ва вақт билан ўзгариб туради. Бу эса қувват оқимини аниқ башорат қилишни ва бошқаришни қийинлаштиради.

- тармоқнинг мураккаблиги: тақсимланган генерация манбаларининг кўпайиши билан тармоқнинг тузилиши мураккаблашади, бу эса қувват оқимини бошқариш ва оптималлаштириш учун илғор алгоритмларни талаб қилади.

Қувват оқими тенгламалари тармоқдаги i -туғундаги актив ва реактив қувватлар орқали аниқланади:

$$P_i = U_i \sum_{j=1}^N U_j (G_{i,j} \cos \theta_{i,j} + B_{i,j} \sin \theta_{i,j}), \quad (1)$$

$$Q_i = U_i \sum_{j=1}^N U_j (G_{i,j} \sin \theta_{i,j} - B_{i,j} \cos \theta_{i,j}), \quad (2)$$

бу ерда P_i, Q_i – i -туғундаги актив ва реактив қувватлар; U_i, U_j – i ва j – туғунлардаги кучланишлар, $G_{i,j}, B_{i,j}$ – i ва j туғунлар ўртасидаги линиянинг ўтказувчанлиги ва реактивлиги; $\theta_{i,j}$ – i ва j – туғунлар ўртасидаги фазалар фарқи.



1-расм. Электр тармоқларида бошқарув структураларининг классификацияси

Қувват оқимларини назорат қилиш тизимларининг афзалликлари ва камчиликлари

Тизим тури	Афзалликлари	Камчиликлари
Марказлашган	Аниқ назорат, умумий мувофиқлаштириш	Кечикишлар, марказдан боғлиқлик
Тарқоқ	Модуллилиқ, тезкор реакция	Умумий оптималликка тўлиқ мос келмаслиги
Автоном	Мустақил, интеллектуал ишлаш	Юқори таннарх, ишончлиқ масалалари

Тақсимланган генерация манбалари уланган электр тармоқларда қувват оқимини оптималлаштириш масаласи замонавий энергетика тизимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади (жадвал). Бу масала электр энергиясининг минимал йўқотишлар билан узатилиши, кучланишларни барқарор сақлаш, реактив қувватни самарали тақсимлаш ва тармоқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни назарда тутати. Муаммонинг ўзи тақсимланган генерация манбаларининг жойлашуви, уларнинг иш режимлари ва бошқарув имкониятлари билан боғлиқ бўлиб, юқори даражада математик моделлаш ва интеллектуал ёндашувларни талаб этади (1-расм) [4 – 7].

Электр тармоқларида қувват оқимларини назорат қилиш энергия таъминотининг барқарорлигини таъминлаш, юкларни оптимал тақсимлаш, электр узатиш тизимининг хавфсизлигини ошириш ва электр энергияси истеъмолини самарали бошқариш учун муҳим аҳамият тақсимланган генерацияга эга. Замонавий электр тармоқларида қувват оқимларини назорат қилишнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, уларни анъанавий ва интеллектуал технологиялар асосида икки асосий турга ажратиш мумкин.

Қувват оқимларини назорат қилиш тизимлари қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- Тармоқдаги кучланиш, ток ва частотани мониторинг қилиш – энергия таъминоти параметрларини доимий назоратда ушлаш.
- Юкларни динамик тақсимлаш – генерация ва истеъмол ўртасидаги балансни таъминлаш.
- Истеъмолчиларнинг талабини аниқлаш ва башорат қилиш – энергия таъминоти стратегиясини шакллантириш.
- Қувват оқимлари йўналишини назорат қилиш – электр энергиясининг қайси йўналишда оқишини белгилаш ва оптималлаштириш.
- Автоавария ҳимоя тизимларини ишга тушириш – ҳаддан ташқари юклама ва авария ҳолатларида тизимни ҳимоя қилиш.

Электр тармоқларида қувват оқимларини назорат қилиш - энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлашда муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифа орқали электр энергиясининг истеъмолчиларга узлуксиз ва аниқ миқдорда етиб бориши, кучланишлар даражаси меъёрда сақланиши, юкламалар ўзаро мувозанатлашишига эришилади. Қувват оқимини самарали назорат қилиш учун замонавий электр тармоқларида бир неча турдаги усуллар ва алгоритмлардан фойдаланилади [5].

Қувват оқимларини оптималлаштиришга доир кенг қамровли бир қатор илмий тадқиқотчилар томонидан анъанавий ва сунъий интеллект тақсимланган генерацияларга асосланган оптималлаштириш усуллари бўйича таҳлил ўтказган. Қувват оқимларини оптималлаштириш муаммоси электр энергетика тизимининг барқарор ишлаш самарадорлигини белгиланган мақсад функциясига нисбатан оптималлаштиришга қаратилган бўлиб, у бир қатор тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги чеклов шартларига бўйсунувчи оптималлаштириш масаласи сифатида қаралади.

Актив қувватни оптимал тақсимлашда мақсад функцияси F (умумий генерация харажатлари) қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$F_T = \sum_{i=1}^{N_g} a_i + b_i P_i + c_i P_i^2. \quad (3)$$

Бунда: F_T – умумий квадратик харажат функцияси; P_i – i -генератор томонидан ишлаб чиқарилаётган актив қувват; N_g – генерация шиналари сони; a_i , b_i , c_i - i -генератор учун ёқилғи харажати коэффициентлари.

Турли чеклов шартлари асосида қуйидагилар таъминланиши лозим:

(а) Тармоқда актив қувват мувозанати сақланиши шарт:

$$P_i(V, \delta) - P_{gi} + P_{di} = 0 \quad (i = 1, 2, \dots, NB). \quad (4)$$

(б) Тармоқда реактив қувват мувозанати таъминланиши шарт:

$$Q_i(V, \delta) - Q_{gi} + Q_{di} = 0 \quad (i = NV + 1, NV + 2, \dots, NB). \quad (5)$$

(с) Хавфсизликка оид чекловлар:

Актив қувват генерацияси чекловлари:

$$P_i^{min} \leq P_i \leq P_i^{max} \quad (i = 1, 2, \dots, NG). \quad (6)$$

Кучланиш амплитудаси чекловлари:

$$V_i^{min} \leq V_i \leq V_i^{max} \quad (i = NV+1, NV+2, \dots, NB). \quad (7)$$

Кучланиш фазаси бурчаги чекловлари:

$$\delta_i^{min} \leq \delta_i \leq \delta_i^{max} \quad (i = 1, 2, \dots, NB). \quad (8)$$

Актив қувват оқими тенгламалари қуйидагича:

$$P_i(V, \delta) = V_i \sum_{j=1}^{NB} V_j (G_{ij} \cos(\delta_i - \delta_j) + B_{ij} \sin(\delta_i - \delta_j)). \quad (9)$$

Реактив қувват оқими тенгламалари қуйидагича:

$$Q_i(V, \delta) = V_i \sum_{j=1}^{NB} V_j (G_{ij} \sin(\delta_i - \delta_j) + B_{ij} \cos(\delta_i - \delta_j)). \quad (10)$$


Қувват оқимини оптималлаштириш ечим усуллари иккита асосий тоифага ажратилади:

- ✓ Анъанавий усуллар.
- ✓ Сунъий интеллект асосидаги усуллар.

Бу усуллар қуйидаги 2- расмда кўрсатилган. Анъанавий усуллар детерминистик ёки анъанавий оптималлаштириш усуллари деб аталиб, бу усулларни қўллаш яқин ўтмишда фаол тадқиқот соҳаси бўлган. Анъанавий усуллар математик дастурлаштириш ёндашувларига асосланади ва турли ўлчамдаги қувват оқимини оптималлаштириш масалаларини ечишда фойдаланилади.

Ҳар хил мақсадли функциялар, қўллаш турлари ва чекловлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, анъанавий усуллар қуйидагича туркумланади:

1. Чизикли дастурлаш.
2. Градиент усуллар.
3. Квадратик дастурлаш.
4. Ньютон-Рафсон усули.
5. Ночизик дастурлаш.
6. Ички нуқта усули (Interior Point Method).



2-расм. Қувват оқимини оптималлаштириш ечим усуллари

Гарчи классик усуллар бўйича катта ютуқларга эришилган бўлсада, улар қуйидаги камчиликларга эга:

1. Айримлари функцияни чизиклаштиришни талаб қилади.
2. Айримлари дифференциалланувчанлик шартини талаб қилади.
3. Маҳаллий оптимумда тўхтаб қолиши мумкин.
4. Сифат чекловларини ҳисобга олишда етарлича самарали эмас.
5. Ўзгарувчилар сони кўп бўлса, ҳисоблаш жуда секинлашади.
6. Фақат битта оптимал ечимни топишга қодир (бир марта симуляцияда).

Интеллектуал қидирув усуллари глобал ёки глобалга яқин оптимал ечимларни топишда муҳим техника сифатида шаклланди. Бу усуллар нон – детерминистик ёки стохастик усуллар деб ҳам аталади. Ушбу усулларнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Турли сифат кўринишидаги чекловларни ҳисобга олиш қобилияти.
- ❖ Бир марталик моделлаштиришда бир нечта оптимал ечимларни топиш имконияти.
- ❖ Кўп мақсадли оптималлаштириш муаммоларини ечишда мослиги.
- ❖ Глобал оптимум ечимни топиш имконияти.

Кўплаб нон-детерминистик оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган ва глобал оптималлаштириш муаммоларига татбиқ этилган. Бу усуллар анъанавий детерминистик алгоритмларнинг глобал қидирув имкониятларини тўлдиришга қаратилган. Шу каби усуллар қуйидагича қувват оқимини оптималлаштириш муаммоларида ҳам қўлланган:

1. Генетик алгоритм (Genetic Algorithm).
2. Заррачалар тўдаси (Particle Swarm).
3. Сунъий нейрон тармоқ (Artificial Neural Network).
4. Асаларилар колонияси оптималлаштириш (Bee Colony Optimization).
5. Дифференциал эволюция (Differential Evolution).
6. Кулранг бўри оптимизатори (Grey Wolf Optimizer).
7. Сакровчи бақа алгоритми (Shuffled Frog-Leaping).

Генетик алгоритм муаммо параметрларининг кодланган иккилик сатрларида ишлайди. Ҳар бир сатр хромосома сифатида қаралади ва бу сатр муаммонинг ягона ечимини тўлиқ тасвирлайди. Оддий генетик алгоритм – бу итеритив жараён бўлиб, ҳар бир авлодда учта генетик оператор: танлаш, кроссовер ва мутация орқали янги авлод (offspring) ҳосил қилинади.

Заррачалар тўдаси алгоритми табиатдаги қушлар парвозини моделлаштириш асосида ишлайди. Ҳар бир “заррача” ечим фазосида ҳаракат қилиб, ўзининг ва гуруҳнинг энг яхши ҳолатига яқинлашади. Қувват оқимини оптималлаштиришда бу усул тез ва самарали яқун топиш хусусиятига эга.

Ҳар бир заррача учун жорий ҳолат янгиланади:

Тезликни янгилашни:

$$v_i^{t+1} = \omega v_i^t + c_1 r_1 (p_i^t - x_i^t) + c_2 r_2 (g^t - x_i^t) \quad (11)$$

Позиция янгилашни:

$$x_i^{t+1} = x_i^t + v_i^{t+1} \quad (12)$$

Бунда x_i – позиция (энг яқин ечим); v_i – тезлик; p_i – индивидуал энг яхши позиция; g – гуруҳнинг энг яхши позицияси; w , c_1 , c_2 – модел параметрлари; r_1 , r_2 – тасодифий сонлар.

Сунъий нейрон тармоқлар катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва ўрганиш қобилиятига эга бўлиб, қувват оқимини башорат қилиш, қувват тақсимооти тенденцияларини аниқлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда қўлланилади:

$$y = f(\sum_{i=1}^n \omega_i x_i + b). \quad (13)$$

Бунда ω_i – вазнлар; x_i – кириш маълумотлари; b – офсет (bias).

Асаларилар колонияси оптималлаштириш усулида асалариларнинг озуқа қидириш хулқини моделлаштириш асосида ишлайди. Қувват оқимини оптималлаштиришда у мураккаб топологияли тармоқларда самарали қидирув стратегияси сифатида ишлатилиши мумкин. Ушбу усулда янги ечим қидирилади:

$$v_{ij} = x_{ij} + \phi_{ij}(x_{ij} - x_{kj}). \quad (14)$$

Бунда x_{ij} – жорий ечим; x_{kj} – бошқа тасодифий танланган ечим; ϕ_{ij} – тасодифий сон $[-1.1]$ оралиғида.

Дифференциал эволюция алгоритми параметрлар фарқи асосланган мураккаб функцияларни оптималлаштириш учун мослашувчан ва самарали усул ҳисобланади. У кўп ўлчамли ва ночизиқ қувват оқими масалаларида юқори самара беради. Шунингдек, кулранг бўри оптимизатори усули гуруҳ иерархияси ва ов қилиш стратегияси асосида ишлайди. Бу усул оптималлаштириш жараёнида баланс ва қидирув қобилиятини яхши таъминлайди. Сакровчи бақа алгоритмида “бақалар гуруҳи” даги индивидуал иштирокчиларнинг ҳамкорликда қидирув қилишини моделлаштиради. У тез конвергенция ва кенг қидирув қобилиятига эга бўлиб, ноаниқ ва мураккаб қувват оқими муаммолари учун фойдали бўлади.

Ушбу мақолада тақсимланган генерация манбалари уланган электр тармоқларда қувват оқимини бошқариш ва оптималлаштириш муаммоси атрофлича таҳлил қилинди. Тақсимланган генерация манбаларининг электр тармоқларига интеграция қилиниши қатор техник ва бошқарув

кийинчиликларини келтириб чиқармоқда. Хусусан, икки томонлама қувват оқимлари, тикланувчи энергия манбаларининг ноаниқлиги ва тармоқ тузилиши мураккаблашуви қувват оқимини самарали бошқаришни талаб этади.

Қувват оқимини оптималлаштириш масаласида анъанавий ва интеллектуал усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари тадқиқ этилди. Анъанавий оптималлаштириш усуллари – чизикли дастурлаш, градиент усуллари, ночизикли дастурлаш ва бошқалар аниқ математик моделларга асосланган бўлса-да, кўп ўлчамли ва ноаниқ муаммоларда маҳаллий минимумда тўхтаб қолиш хавфига эга. Шу боис, сунъий интеллект асосидаги интеллектуал усуллар – генетик алгоритм, заррачалар тўдаси, сунъий нейрон тармоқлар, асаларилар колонияси, дифференциал эволюция, кулранг бўри ва сакровчи бақа алгоритмлари каби глобал оптимал ечимни топиш имконияти юқори бўлган алгоритмлар тавсия этилади.

Интеллектуал усуллар қувват оқимини бошқаришда ноаниқлик ва ўзгарувчанликни ҳисобга олиш, бир нечта мақсад функцияларини биргаликда оптималлаштириш ҳамда самарали ва барқарор бошқарувни таъминлаш имкониятини яратади. Келгусида мазкур усулларнинг гибридлаштирилган моделларини ишлаб чиқиш ва амалий электр тармоқларида жорий этиш соҳасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Qusay Hassan, Sameer Algburi, Aws Zuhair Sameen, Hayder M. Salman, Marek Jaszczur. A review of hybrid renewable energy systems: Solar and wind-powered solutions: Challenges, opportunities, and policy implications. *Results in Engineering*. Vol. 20. 2023. 101621. ISSN 2590-1230, <https://doi.org/10.1016/j.rineng.2023.101621>.
2. Gerhardt E., Gomes H. M. Artificial bee colony (ABC) algorithm for engineering optimization problems // In International Conference on Engineering Optimization. 2012. July. P. 1 – 11.
3. Aggelos S. Bouhouras, Paschalis A. Gkaidatzis, Dimitris P. Labridis. Network Reconfiguration in Modern Power Distribution Networks. 2020. doi: 10.1007/978-3-030-36115-0_7.
4. Gurobi Optimization. L. Gurobi optimizer reference manual. 2021. <https://docs.gurobi.com/projects/optimizer/en/current/index.html>.
5. Sanjeev Kumar, Chaturvedi D.K. Optimal power flow solution using fuzzy evolutionary and swarm optimization // *Electrical Power and Energy Systems* 47. 2013. P. 416–423.
6. Praveen J. Srinivasa B. Rao. Single objective optimization using PSO with Interline Power Flow Controller // *International Electrical Engineering Journal*. Vol. 5. 2014. No. 12. P. 1659 – 1664.
7. Saravanan T., Saritha G., Srinivasan V. Optimal Power Flow Using Particle Swarm Optimization // *Middle-East Journal of Scientific Research*. 2014.20 (11). P. 1554 – 1560.

О.З. ТОИРОВ, О.А. ШОДИЕВ

**ТОҒ-КОН МАССАСИНИ ҚАЗИШ ЖАРАЁНИДА ЭКСКАВАТОРЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ҲОЛАТИ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Ушбу мақолада тоғ-кон массасини қазиш жараёнида карьер экскаваторларининг ҳозирги амалда қўлланилиб келинаётган электр юритмаларининг бошқариш тизимлари, уларнинг динамик ва иш режимлари ҳамда электромеханик тизимнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, экскаватор электр юритмаларининг иш режимларини яхшилаш, уларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий - тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Кон шароитида қўлланилувчи экскаваторларнинг бошқарув тизимлари бўйича солиштирма электр энергияси истеъмоли ўзаро таққосланиб, электр механик тизимларнинг самарадорлигига таъсир этувчи факторлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлили ҳамда республика кон-металлургия комбинати бўлинмаларида ўрганилган илмий - амалий ишларни ўрганиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари белгилаб олинган.

Калит сўзлар: руда қазиш жараёни, карьер экскаватори, электр юритма, бошқариш тизимлари, частота ўзгартиргич, солиштирма электр энергияси сарфи.

О.З. Тоиров, О.А. Шодиев

Современное состояние экскаваторов и вопросы энергосбережения при выемке горных пород

В данной статье проведен анализ систем управления электроприводами карьерных экскаваторов, используемых в настоящее время на горных работах, их динамических и рабочих режимов, а также работ, направленных на повышение эффективности электромеханической системы. Проанализированы основные направления научно-исследовательских работ по совершенствованию режимов работы электроприводов экскаваторов и повышению их энергоэффективности. Проведено сравнение относительного расхода электроэнергии системами управления экскаваторов, используемых в шахтных условиях, и охарактеризованы факторы, влияющие на эффективность электромеханических систем. Цели и задачи исследования определены на основе анализа научной литературы и изучения научно-практических работ, проводимых в подразделениях республиканского горно-металлургического комбината.

Ключевые слова: выемка горных пород, карьерный экскаватор, электропривод, системы управления, преобразователь частоты, удельный расход электроэнергии.

O.Z. Toirov, O.A. Shodiev

Current state of excavators and energy saving issues in rock excavation

This article analyzes the control systems of electric drives of quarry excavators currently used in mining operations, their dynamic and operating modes, as well as work aimed at increasing the efficiency of the electromechanical system. The main areas of research and development to improve excavator electric drive operating modes and enhance their energy efficiency are also analyzed. The relative energy consumption of excavator control systems used in mining environments is compared, and the factors influencing the efficiency of electromechanical systems are analyzed. The goals and objectives of the study were determined on the basis of an analysis of scientific literature and a study of scientific and practical work carried out in the divisions of the republican mining and metallurgical complex.

Keywords: rock excavation, quarry excavator, electric drive, control systems, frequency converter, specific energy consumption.

Тоғ-кон саноатининг энергияни кўп талаб қиладиган жараёнлари бу руда қазиш жараёни ҳамда рудаларни ташиш жараёни ҳисобланади. Кон массасини қазиш ва юклаш жараёнида бир чўмичли карьер экскаваторларидан кенг фойдаланилади. Кон массасини қазиш жараёнида турли хил ҳажмга эга бўлган ковш механизмлари карьер экскаваторлари қўлланилади [1].

Ушбу турдаги карьер экскаваторлари юқори қувватга эга ҳамда механик чидамли механизмлар бўлиб, қаттиқлик даражаси юқори бўлган кон рудаларини қазиб ҳамда ташиш транспортига юклаб бериш учун энг ишончли қурилмалар ҳисобланади. Юқори механик ишқаланиш ва катта босим натижасида экскаватор механизмларининг юқори даражада емирилиши кузатилади. Катта миқдордаги босим ўзгариши эса механик синишлар сонининг ортишига олиб келади [2].

Маълумки, руда қазиб ҳар хил турдаги карьер экскаваторлари билан амалга оширилади, бунда асосий юритма сифатида дизель двигателлари, ўзгарувчан ток ва ўзгармас ток электр моторлари фойдаланилади. Тоғ-кон саноатида руда қазиб ва юклаш жараёнида ўзгарувчан токнинг электр моторлари билан юқори унумдорликдаги қазиб машиналаридан фойдаланиш тавсия этилади. Уларнинг афзалликлари шундаки, улар ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган бошқа турдаги электр моторлар билан солиштирганда кам қувват сарфи ва юқори энергия тежамкорликка эга. Бундай карьер экскаваторларида электр энергиясининг асосий ва захира манбаи сифатида дизель электр станциялари ёки газ турбинали генераторлар қўлланилади. Электромеханик тизимнинг электр энергияси истеъмолини камайтириш орқали электр станцияларида ёқилғи сарфини камайтиришга олиб келади [3,4].

Тоғ кон саноатида қўлланиладиган экскаватор электр юритмаларининг экспериментал тадқиқотлари ҳамда ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида, экскаваторлар электр юритмаларининг бошқарув тизимлари самарадорлигини ошириш ва экскаваторларда энергия тежамкорлигига эришишнинг асосий йўналишлари (1-расм) белгилаб олинди



1-расм. Экскаватор қурилмаларининг замонавий ҳолати бўйича адабиётлар таҳлилининг асосий илмий йўналишлари

Электромеханик тизимнинг замонавий бошқариш усуллари таҳлил қилиш борасидаги илмий ишлар карьер экскаваторларининг иш жараёнини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва ишончилигини таъминлаш мақсадида математик моделлар ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, турли тадқиқотлар бир-бирини тўлдирадиган натижалар берган. К.А. Кононенко ва А.Г. Шпагин бир чўмичли экскаваторнинг асосий механизмлари ғ стрела ва ковш ҳаракатларини турли юклама шароитларида таҳлил қилиб, инерция кучлари, оғирлик маркази силжиши ва конструкциядаги кучланишлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда математик моделлар яратган. Ушбу моделлар реал иш жараёнига яқин шароитларда бошқарув алгоритмларини оптималлаштириш, механик узелларнинг орттиқча зўриқишини олдини олиш ва ресурс тежаш имконини беради. Б.Н. Петров ва И.П. Соловьёв карьер машиналарининг асосий ва ёрдамчи механизмлари (ковш, рукоят, бурилиш платформаси) учун электр юритмалар динамикасини моделлаштириб, кучланиш-тезлик-гармоник боғланмалар, момент ва юклама қаршилиги таъсирини комплекс баҳолаган. Уларнинг моделлари турли вақтинчалик ва турғун режимларда юқори аниқлик билан ишлаши ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимларига интеграция қилиниши билан ажралиб туради [5].

Карьер экскаваторларининг ишончилиги – уларнинг узлуксиз, хавфсиз ва самарали ишлашини таъминловчи муҳим мезон ҳисобланади. Ишончилиқни ошириш нафақат асосий юритмалар, балки насослар, компрессорлар, ёрдамчи моторлар ва бошқа элементлар учун ҳам муҳимдир. Бу жараёни оптималлаштириш учун бир неча асосий йўналишлар ажратиб кўрсатилади: Қазилш ва юклаш режимларини бошқариш. Асосий механизмлар (ковш, рукоят, бурилиш платформаси) фаолияти юкламага мослашган ҳолда бошқарилиши керак. Ишчи органларнинг динамик юкламалари реал вақтда кузатилиб, оптимал тезлик ва момент таъминотини бошқарувчи алгоритмлар жорий этилади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари орқали юкламага жавоб равишда ҳаракат хусусиятлари ўзгартирилади. Ёрдамчи қурилмаларнинг ишончли ишлаши: Насослар, компрессорлар ва вентиляторлар каби ёрдамчи тизимлар экскаваторнинг иш фаолиятида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу қурилмаларнинг ишончли ишлаши учун резерв таъминот манбалари (аккумулятор, дизел генераторлар) жорий этилади. Ҳар бир ёрдамчи қурилма учун сенсорли назорат ва интеллектуал сигнализация тизимлари орқали носозликлар олди олинади. Интеллектуал бошқарув ва мониторинг: Ишончилиқни оширишнинг энг самарали усули – интеллектуал назорат алгоритмларидан фойдаланиш. Бу алгоритмлар ҳар бир мотор ёки механизмни алоҳида ўрганиб, улар учун оптимал ишга тушиш ва тўхташ шароитини яратади. Сенсорлар орқали тўпланган маълумотлар асосида профилактик таъмирлаш стратегияси ишлаб чиқилади. Таъмирлаш ва профилактика стратегияси Статистик таҳлиллар орқали насос ва компрессорларнинг ишлаш даври, эскириш хусусиятлари баҳоланади. Ушбу маълумотлар асосида профилактик таъмирлаш интерваллари белгиланади. Тизимлар ўртасидаги боғлиқлик ва авария эҳтимолини камайтириш мақсадида узлуксиз диагностика амалга оширилади [6].

Карьер экскаваторларини эксплуатация қилиш жараёнида энергия самарадорлигини ошириш масаласи замонавий кончилик саноатида долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Экскаваторлар, айниқса, йирик карьерлардаги қазилш-юклаш ишларининг асосий ишчи техникаси сифатида доимий юклама, турли геологик шароит ва ўзгарувчан иш режимларида фаолият юритади. Бу эса, ўз навбатида, катта миқдорда электр энергияси сарфини келтириб чиқаради. Шу боис, уларни эксплуатация қилишда турли иш шароитларига мослашувчан,

тежамкор ва оптимал бошқарув ечимларини қўллаш зарурияти тобора ортиб бормоқда [7].

Охирги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари шундан далолат берадики, экскаваторнинг иш режимларини таҳлил қилиш, электр юритмаларининг юклама ва тезлик хусусиятларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча энергия тежовчи технологияларни жорий этиш орқали умумий энергетик самарадорликни сезиларли даражада ошириш мумкин. Тадқиқотларда реал вақтда юклама мониторинги, интеллектуал бошқарув алгоритмлари, қайта тикловчи тормоз тизимлари ва резервлаштирилган таъминот схемалари каби ечимлар алоҳида ўрин тутмоқда.

Карьер экскаваторларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар кенг турдаги инновацион ёндашув ва техник ечимларни ўз ичига олади. Т.С. Камалов ва О. Тоиров ишлаб чиққан методика ёрдамида очик конларда фойдаланилаётган экскаваторларнинг ёқилғи сарфи ва энергия самарадорлиги аниқ кўрсаткичлар асосида баҳоланиб, оптимал иш режимларини танлаш имкони яратилган [8].

Nguyen таклиф этган гибрид электродинамик пауэртрейн архитектурасида потенциал энергия тиклаш ва оптимал бошқарув стратегиялари қўлланилиши натижасида 36-45% гача самарадорликка эришилган [9]. Li ва ҳаммуаллифлар томонидан ишлаб чиқилган электрогидравлик бошқарув ва энергия тиклаш тизими эса симуляция натижаларига кўра 92 % гача тежамкорликни намоёйиш этган [10].

Янги авлод автоматлашган юритмаларини яратишда, электр машиналарининг динамик хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш, юритма тизимида юзага келувчи юкланиш ўзгаришларини прогнозлаш, интеллектуал бошқарув алгоритмларини жорий қилиш, ҳамда ахборот алмашинувини тез ва ишончли амалга оширувчи рақамли интерфейслардан фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга, бундай юритмаларда энергияни тежовчи режалар, қайта тикловчи тормозлаш тизимлари ҳамда иловалар орқали масофадан туриб мониторинг қилиш ва диагностика имкониятлари ҳам жорий этилмоқда.

Карьер экскаваторлари учун автоматлашган электр юритмаларни ишлаб чиқиш нафақат энергетик ва иқтисодий самарадорликни оширади, балки саноатни рақамлаштириш, ишчи хавфсизлигини таъминлаш ва экскаваторларнинг узок муддатли эксплуатациясида барқарорликни таъминлаш имконини беради. Ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар ва илмий-амалий ишланмалар мамлакатимиз кончилик соҳасида технологик илдамликка эришишда муҳим ўрин тутди.

Journal of Mechatronix тадқиқотларида автоматлаштириш, конструкция элементларини жойлаштириш ва тиклаш тизимларини такомиллаштириш орқали иш фаолияти ва экологик самарадорлик ўртасидаги боғлиқлик аниқланган [11]. Алиев ва Абдураззоқов эса экскаваторнинг кинетик ва геометрик параметрларини таҳлил қилиб, қазилар жараёнининг ҳар бир ҳаракат сегментида сарфланадиган энергияни ҳисоблаш моделларини таклиф этган [12].

Energy Conversion & Management тадқиқотида гибрид гидравлик экскаватор учун энергия бошқарувнинг мослашувчан усули қўлланилиб, ёқилғи истеъмоли ва чиқиндиларни 30–48 % гача камайтириш имконияти кўрсатилган [13].

Юқорида таҳлил қилинган илмий ишлардан маълум бўлишича, руда қазиб олишдаги шартли энергия сарфини қисқартириш масаласи кўп жиҳатдан руданинг физик-механик хусусиятлари, айниқса, зичлик ва қаттиқлик даражаси,

ҳамда экскаваторнинг ортиш механизмлари ва уларнинг бошқарув тизимига боғлиқ эканлиги тасдиқланган.

Тадқиқотчилар томонидан қазиб жараёнида энергия талабининг ўзгариши математик моделлаштирилган, руда турига мос кесиш бурчаклари, траекториялар ва босим режимлари аниқланган. Энергия сарфини камайтириш учун қайта тикланувчи энергия ресурслари, ақлли датчиклар, реал вақтли бошқарув алгоритмлари, шунингдек, профилактик диагностик тизимлардан фойдаланиш таклиф этилган.

Industrial Automation мақоласида ишчи параметрлар ва цикл хусусиятларини таҳлил қилиш орқали оптимал бошқарув ечимлари ишлаб чиқилган [14]. Умуман, ушбу тадқиқотлар ва ишланмалар гибрид технологиялар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва энергия тиклаш усулларини интеграция қилиш орқали карьер экскаваторларининг иқтисодий ва экологик самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради.

Карьер экскаваторларини эксплуатация қилишда ҳамда турли иш режимларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган илмий ишлар ва тадқиқотлар ва ишланмалар карьер экскаваторларида энергия самарадорлигини оширишда замонавий гибрид технологиялар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва энергия тиклаш усулларини интеграция қилишнинг юқори самарадорлигини тасдиқлайди. Илмий ишланмаларда таклиф этилган ечимлар — частота ўзгартиргичлардан фойдаланган ҳолда электр юритмаларни оптимал бошқариш, гибрид электромеханик ва гидравлик тизимларни уйғунлаштириш, аккумулятор ва ультраконденсаторлар ёрдамида энергияни қайта тиклаш ҳамда интеллектуал назорат алгоритмларини жорий этиш - натижада 20 % дан 90 % гача энергия тежаш имкониятини берадиган тизимларнинг моделлари яратилган. Шу билан бирга, қазиб ва юклаш жараёнларида ёқилги сарфини камайтириш, чиқиндилар миқдорини қисқартириш ва ускуналарнинг ишончилигини ошириш каби кўп қиррали ижобий таъсирларга эришилади. Бу эса, ўз навбатида, кон-саноат соҳасида иқтисодий самарадорликни ошириш ва экологик барқарорликни таъминлаш учун муҳим илмий ва амалий асос яратади.

Карьер экскаваторлари замонавий кончилик саноатида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва юклаш жараёнларида асосий ишчи механизмлардан бири ҳисобланади. Улар юқори иш унумдорлиги, катта қувват сарфи ва оғир иш шароитларида узлуксиз ишлаши билан ажралиб туради. Экскаваторларнинг электр юритмалари иш жараёнида кўплаб ўзгарувчан юкланишларга дуч келади, бу эса уларнинг иш режимларини тўғри танлаш ва оптимал бошқаришни талаб қилади. Электр юритмаларнинг иш режимларини моделлаштириш орқали уларнинг динамик ва статик ҳолатларини таҳлил қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат муддатини узайтириш имкони яратилади. Бундай моделлар асосида турли тезлик ростлаш усулларини синовдан ўтказиш, юкланиш графикларини таҳлил қилиш ва электр энергияси сарфини камайтиришга қаратилган инжиниринг ечимларини ишлаб чиқиш мумкин. Шу боис, карьер экскаваторлари электр юритмаларининг иш режимларини моделлаштириш замонавий кончилик техникасини такомиллаштиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга [15].

Карьер экскаваторларида автоматлашган электр юритмаларни ишлаб чиқиш саноатда энергетик самарадорликни ошириш, бошқарувнинг аниқлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнини юқори даражада автоматлаштириш орқали эксплуатацион харажатларни камайтиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Экскаваторлар кончилик ва қурилиш соҳаларидаги асосий

ишчи машиналардан бири сифатида, уларнинг ишончилиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги иш юритиш жараёнида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, электр юритмаларни автоматлаштириш орқали уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Автоматлаштирилган электр юритмалар орқали карьер экскаваторларининг ҳаракатланувчи механизмлари, айниқса, ковш ҳаракати, бурилиш, стрела ва ўқ ҳаракатлари аниқ ва тезкор бошқарилади. Бу эса нафақат энергия сарфини камайтиради, балки оператор ишини енгиллаштиради ҳамда авария ҳолатларини камайтиради. Бундай тизимлар замонавий датчиклар, контроллерлар ва алгоритм асосида бошқаришни амалга оширувчи дастурлар ёрдамида ишлайди.

Экскаваторларнинг электр юритмаларидаги камчиликларни бартараф этиш учун турли ёндашувлар мавжуд. Ўзгармас токли электр юритмаларни модернизация қилиш радикал ечим эмас. Замонавий босқичда частотали бошқарувга эга ўзгарувчан токли электр юритмаларга ўтиш зарурияти яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга, Ўзгармас токли электр юритмалар билан ишлайдиган экскаваторларнинг, айниқса, 5 м³ дан 10 м³ гача ҳажмли ковшларга эга бўлган экскаваторларнинг узоқ вақт давомида эксплуатация қилиниши давом этади. Бу экскаваторлар асосан кичик карерларга мўлжалланган бўлиб, бундай корхоналарда экскаватор паркани қисқа вақт ичида янгилаш иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қийин.

Экскаватор электр юритмаларини бошқариш учун оптимал бошқарув тизимлари назариясига асосланган комбинацияланган бошқарув тизимлари самарали деб топилган. Карьер экскаваторларининг электр юритмаларини энергия тежамкорлигини яхшилаш бўйича кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб бродан. Карьер экскаваторларининг электр юритмаларининг қўлланилиш туридан келиб чиққан ҳолда ушбу адабиётларни қуйидаги таснифларга бўлиб олишимиз мумкин [16]:

- Генератор-мотор тизимидаги электр юритма;
- Тиристорли тўғирлагич-ўзгармас ток мотори юритмаси;
- Транзисторли тўғирлагич-ўзгармас ток мотори юритмаси;
- Частота ўзгартиргич-асинхрон мотор электр юритмаси.

Тоғ кон шароитида қўлланиладиган экскаваторларнинг самарадорлигини белгилашда энг самарали усуллардан бири бу солиштирма электр энергияси сарфи асосида баҳолаш ҳисобланади. Ушбу жиҳатни эътиборга олган ҳолда карьер шароитида ишлаб турган экскаватор механизмларининг турли бошқарув тизимларида солиштирма электр энергия сарфлари жадвалда таҳлил қилинди.

Жадвал маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, экскаватор электр юритмаларининг солиштирма электр энергияси сарфи ковш ҳажмига ва электр юритманинг бошқарув усулига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда ҳамда юқоридаги экскаватор унумдорлигига таъсир этувчи факторларни эътиборга олган ҳолда электр юритманинг унумдорлигини янада ошириш имконияти мавжуд бўлади.

Ўзгарувчан токли электр юритмаларни ривожлантириш. Ҳозирда Россияда ва хорижда ўзгарувчан токли экскаватор электр юритмаларини яратиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда Ключев В.И., Портной Т.З., Миронов Л.М., Постников С.М., Сапелников А.С., Олховиков Б.В., Березин В.В., Полинский М.Б., Дружинин А.В., Бабенко А.Г., Парфенов Б.М. каби олимлар ва бошқа кўплаб мутахассисларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, АББ ва Сиеменс компаниялари томонидан таклиф этилган ўзгарувчан токли экскаватор электр юритмалари катта қизиқиш уйғотмоқда [17].

ОКМК АЖ “Қолмоқир” кони экскаваторларининг реал шароитдаги руда қазиб
жараёнида солиштирма электр энергияси сарфининг қийматлари

Ковш ҳажми, м ³	Генератор- Мотор тизими	Тиристорли тўғрилагич + Ўзгармас ток мотори	Транзисторли тўғрилагич + Ўзгармас ток мотори	Частота ўзгартиргич + Асинхрон мотор
ЭКГ-8	1.4 – 1.6 кВт·соат/тонна	1.2 – 1.3 кВт·соат/тонна	1.0 – 1.1 кВт·соат/тонна	0.8 – 1.0 кВт·соат/тонна
ЭКГ-12	1.3 – 1.5 кВт·соат/тонна	1.1 – 1.2 кВт·соат/тонна	0.9 – 1.0 кВт·соат/тонна	0.7 – 0.9 кВт·соат/тонна
ЭКГ-15	1.2 – 1.4 кВт·соат/тонна	1.0 – 1.1 кВт·соат/тонна	0.8 – 0.9 кВт·соат/тонна	0.6 – 0.8 кВт·соат/тонна
ЭКГ-20-25	1.1 – 1.3 кВт·соат/тонна	0.9 – 1.0 кВт·соат/тонна	0.7 – 0.8 кВт·соат/тонна	0.5 – 0.7 кВт·соат/тонна

Ўзгармас токли электр юритмаларни такомиллаштириш. Шу билан бирга, замонавий Ўзгармас токли экскаватор электр юритмаларини яратиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Улар, аввало, мавжуд экскаватор паркени модернизация қилиш учун мўлжалланган бўлиб, бунда электр-механик ускуналарнинг максимал даражада сақланиши таъминланади. Шунингдек, бу тизимлар ҳали ҳам ишлаб чиқарилаётган янги Ўзгармас токли машиналарни жиҳозлаш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Республикаимизнинг Олмалиқ кон металлургия комбинати “АЖ”га қарашли “Қолмоқир” конида қўлланилиб келаётган ЭКГ русумидаги экскаваторлар учун реал шароитдаги бир тонна рудани қазиб олиш учун сарфланадиган электр энергиясининг миқдорлари экскаваторларнинг электр юритмаси бошқарув тизимлари бўйича таҳлил қилинди ва қуйидаги жадвалга жамланди.

Шунингдек ЭКГ русумли экскаваторларнинг асосий механизмлари бўйича алоҳида ўлчаш натижасида ҳар бир механизм учун сарфланадиган электр энергияси улуши аниқланди (2-расм).



2-расм. ЭКГ русумли экскаваторнинг асосий қисмлари бўйича электр энергияси тақсимоти

Бизнинг мамлакатимизда экскаватор электр юритмаларининг куч занжирларида айланувчи электромеханик кучайтиргичлардан фойдаланишдан биринчи бўлиб Олмалиқ кон металлургия комбинати воз кечди. Картекс томонидан ишлаб чиқарилган кучли карер экскаватори ЭКГ-15 асосий механизмларининг электр юритмалари ТП-Д тизими асосида бажарилган ва ушбу машиналар бизнинг конларимизда қўлланила бошланди. Айни шу вақтда Россияда "Картекс" бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган тиристорли

кучайтиргичларнинг тўртта модификацияси муваффақиятли саноат синовларидан ўтказилган (КТП-Э туридаги кучайтиргичлар) [16].

Частота ўзгартиргич қурилмаларининг бошқарув қурилмалари учун имплусли фаза бошқарув тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизимларда турли қийматли ва шаклли имплуслар орқали яримўтказгичнинг очилиш даражаси бошқарилади. Шу билан бирга мотор учун керакли бўлган қийматдаги қувватни ўтказиш имконияти мавжуд бўлади. Бу ҳолатда мураккаблик жиҳат шуки экскаватордаги ўзгарувчан юкламаларни тўғри таҳлил қилиш, ушбу юкламага мос келадиган бошқаув тизимларини моделлаштириш ҳамда энергия тежамкор иш режимлари учун оптимал параметрларни белгилаш ҳозирги вақтга қадар долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, замонавий карьер экскаваторлари кончилик ва қурилиш соҳаларида энг асосий ишчи механизмлардан бири бўлиб, уларнинг иш самарадорлиги, энергия тежамкорлиги ва хизмат муддати тўғридан-тўғри электр юритма ҳамда бошқарув тизимларининг имкониятларига боғлиқ. Илмий-тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, экскаваторларда частота ўзгартиргичли асинхрон моторлар, тиристорли генератор-мотор тизимлари, гибрид энергия тиклаш ечимлари ва интеллектуал сенсор комплексларини қўллаш орқали энергия истеъмолини 15–40 фоизгача қисқартириш, бошқарув аниқлигини 30 фоизгача ошириш ва асосий механизмлар хизмат муддатини сезиларли даражада узайтириш мумкин.

Умуман олганда, замонавий бошқарув ва энергия тежаш технологияларини комплекс равишда қўллаш карьер экскаваторларининг ишлашини оптималлаштириш, эксплуатация харажатларини камайтириш ва саноатнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу йўналишдаги илмий-амалий ишланмалар нафақат кончилик соҳасида, балки йирик энергетик ва механизациялашган ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам кенг қўлланилиши мумкин. Бундай ёндашувлар мамлакатимизда ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий самарадорликка эришиш учун стратегик аҳамиятга эга.

Тегишли адабиётлар, нашр этилган илмий адабиётлар ва республика кон-металлургия комбинати бўлинмаларида ўрганилган илмий-амалий ишларни ўрганиш асосида қуйидаги тадқиқот вазифаларини белгилаб олинди:

- бошқарилувчи электр юритмалар асосида карьер экскаваторларининг энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш;
- бошқариш тизимлари ва электр қурилмаларини модернизациялаш асосида карьер экскаваторларининг самарадорлигини ошириш;
- карьер экскаваторининг бошқариш тизимини ва электромеханик тизимларнинг динамик режимларини математик моделлаштириш;
- энергия самарадорликка таъсир этувчи асосий энергетик, эксплуатацион ва технологик кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда электр энергия истеъмолини аниқловчи математик модел ишлаб чиқиш;
- экскаваторларни эксплуатация қилиш жараёнида энергия самарадорлигини оширишни комплекс баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;
- руда қазиб олишдаги солиштирма электр энергиясини камайтириш мақсадида, руданинг тури, қаттиқлик даражаси ва ортиш механизмларига боғлиқ равишда юритманинг мослашувчан режимларини моделлаштириш;
- карьер экскаваторларида электр энергиясини ҳисоблаш ва тежамкорлик методикаларини ишлаб чиқиш;

В статье рассмотрены факторы, влияющие на эффективность использования электроэнергии в Республике Узбекистан, на основе анализа опыта зарубежных стран. В частности, такие, как повышение энергоёмкости продукции, модернизация энергосистемы, субсидирование электропотребления, приводящее к дефициту электропотребления. Предложены рекомендации по повышению эффективности использования электроэнергии в экономике.

Ключевые слова: электроэнергия, производство электроэнергии на душу населения, ВВП на душу населения, субсидия, «зеленая» энергетика, модернизация энергосистемы, энергосбережения.

N.N. Sadullaev, Sh.N. Nematov, M.O. Gofurov

Analysis of factors affecting the efficiency of electricity use in uzbekistan

The article analyzes the factors influencing the efficiency of electricity use in the Republic of Uzbekistan based on the analysis of the experience of foreign countries. The factors of increasing energy intensity of products, modernization of the energy system, subsidizing of electricity consumption, leading to a deficit of electricity consumption are analyzed. Recommendations are proposed for increasing the efficiency of electricity use in the economy.

Keywords: electricity, electricity production per capita, GDP per capita, subsidy, "green" energy, modernization of the energy system, energy saving.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан энергетика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва соҳани рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш борасида ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 2 бараварга ошириш мақсадида 2030 йилда электр станцияларнинг қуввати ҳозирги вақтга

нисбатан 2.28 бараварга, яъни 12.8 млрд кВтдан 29.3 млрд кВт га ошиши белгиланган. 2026-2024 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 47%га ошди. Шунга қарамасдан мамлакатимизда электр энергияси тақчиллиги тўла бартараф этилмади. Бунга асосий сабаб аҳолининг ва иқтисодиётни жадал ўсиб бориши бўлиб бундан ташқари бошқа омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг учун иқтисодиётимизда энергия тақчиллигини вужудга келтирувчи сабаб бўлиши мумкин бўлган қуйидаги омилларни ўрганиб чиқамиз:

- Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш етарли даражада эмас ва электр станциялари қувватини кескин ошириш керак;

- Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш етарли даражада, аммо, ундан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлгани сабабли энергия етишмовчилиги келиб чиқади;

- Ўзбекистонда Электр энергетика соҳасининг инфратузилмаси, унга хизмат кўрсатиш ва фаолиятини бошқариш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди ва электр тармоқларда самарасиз энергия йўқотишлар кўп;

- электр истемоли учун бериладиган субсидиялар энергия самарадорликни оширишга хизмат қилмайди ва энергия тақчиллигини кучайтиради.


Ушбу омилларни энергия самарадорликка таъсирини хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қиламиз. Хўш, давлатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси иқтисодиётимиз учун етарлими. Дастлаб, жон бошига ишлаб чиқарилган электр энергияси кўрсаткичини (ЭЭ ИЧК) иқтисодиётга ёки жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига (ЯИМ ИЧК) боғлиқликни таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Жон бошига ишлаб чиқарилган электр энергияси кўрсаткичини иқтисодиётга ёки жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичига боғлиқлиги

№	Давлат номи	Электр энергияси		Ялпи ички маҳсулот	
		жон бошига	жаҳонда ўрни	жон бошига	жаҳонда ўрни
1.	Исландия	53832	1	68843	7
2.	АҚШ	12984	10	69375	5
3.	Германия	7035	23	50787	16
4.	Россия	6603	28	11273	63
5.	Қозоғистон	5600	36	10283	65
6.	Хитой	3927	52	11891	59
7.	Ўзбекистон	2200	88	2020	146
8.	Ҳиндистон	806	108	2116	143


Жадвалдан кўринадики, бундай боғлиқлик мавжуд, аммо, чизикли эмас. Яъни, баъзи давлатлар жон бошига ЭЭ ИЧК бўйича ЯИМ ИЧК га ўринга нисбатан юқори бўлса (Исландия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия) айрим давлатларда жон бошига ЭЭ ИЧК ўрни ЯИМ ИЧК ўрнидан анча паст. Масалан, Ўзбекистон жон бошига ЭЭ ИЧК бўйича анча юқори (88) ўринга эга бўлса ҳам жон бошига ЯИМ ИЧК бўйича анча паст кўрсаткичга эга (146-ўрин). Умуман олганда ушбу боғланишда мутаносиблик мавжуд. Яъни, ЭЭ ИЧК юқори бўлган давлатларда ЯИМ ИЧК ҳам юқори. Ўзбекистонда жон бошига ЭЭ ИЧК ривожланган давлатларга нисбатан бир неча марта кам эканини эътиборга олиб барқарор ривожланиш учун ушбу кўрсаткични камида 2 бараварга ошириш мақсадга мувофиқ. Ҳукумат қарорларида ушбу кўрсаткични таъминлаш кўзда тутилган [1, 2].



1-расм. АҚШ (а) ва Хитойнинг (б) 2000-2020 йилларда ЯИМ (трлн АҚШ доллари) ва электр энергияси (трлн. кВт·соат) истемолининг ўзгариши

Энди, иккинчи омилини, яъни энергия етишмовчилликка энергия самарадорликни таъсирини кўриб чиқамиз. Дастлаб, ривожланган хорижий давлатларда иқтисодий ўсиши электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир кўрсатганини кўриб чиқамиз. 1-расмда 2000-2020 йилларда АҚШ ва Хитойни ЯИМ ва Электр энергияси истемолини белгиловчи диаграммалар келтирилган. АҚШ 20 йил давомига электр энергияси истемолини оширмасдан ЯИМ ни 2.2 бараварга оширган. Хитой бу даврда ЯИМ ни 10 бараварга электр энергия истемоли эса 5 бараварга ошган [1, 2].

Бундай ривожланиш динамикасини Германия иқтисодиётида ҳам кўриш мумкин. Германияда электр энергиясини ишлаб чиқариш 1985 -2020 йилларда деярли ўзгармаган [1.2], ЯИМ эса 5.7 бараварга (700 млрд. дан 4 трлн. гача) ўсган. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилган электр энергиясини 52% ортиғини “яшил” энергия манбалари, жумладан, шамол электр станциялари-32%, қуёш электр станциялари 4.8% ва АЭС 12% ни ташкил этган. Бу даврда, анъанавий тарзда (иссиқлик электр станцияларида) электр энергияси ишлаб чиқариш 2 бараварга камайган. Бундай ривожланиш динамикаси кўпгина ривожланган давлатлар: Япония, Франция, Италия, Буюк Британия давлатларида ҳам кўриш мумкин (2-расм).



a
б
 2-расм. Германияда ЯИМ ва электр энергияси истемоли (а), ва электр энергияси манбалари таркиби (б)

2-жадвал

Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси Ўзбекистондаги микдор атрофида бўлган хорижий давлатларни ЯИМ ҳажмини таҳлили


	Давлат номи	ЭЭ ИЧ (ўрни), млрд. кВт*с.	ЯИМ (ўрни), млрд. долл.	ЯИМ нисбати, баравар	Аҳоли, млн. киши	Жон бош. ЯИМ (ўрни), долл.	Жон бошига ЭЭ ИЧ (ўрни), кВт*соат
1.	Колумбия	90.4 (89)	343(43)	4.38	50.883	6741 (91)	1776 (101)
2.	Исроил	74.4 (48)	370(32)	4.62	9.136	33370 (18)	8087 (29)
3.	Австрия	67.8 (49)	456 (27)	5.7	8.915	51121 (13)	7600 (18)
4.	Швейцария	66.8 (50)	818 (20)	10.2	8.637	94785 (21)	7831 (21)
6.	Ўзбекистон	76.3 (45)	80.4 (71)	1	36.14	2200(146)	2119 (88)
7	Ангола	14.5 (68)	106.8 (67)	1.32	36.7	2029 (143)	395 (128)

Жадвалда қавс ичида берилган рақамлар давлатнинг ушбу кўрсаткич бўйича жаҳон рейтингдаги ўрнини кўрсатади. Жадвалнинг 5-устунида давлат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) Ўзбекистон ЯИМга нисбати кўрсатилган. Жадвалдан кўриш мумкин-ки, ушбу давлатларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган микдордаги электр энергияси билан бизнинг иқтисодиётимизга нисбатан 4 баравардан 12 бараваргача катта иқтисодиётни энергия билан таъминлаётганини кўриш мумкин [2]. Аҳолиси ва ЯИМ деярли бир хил бўлган Ангола давлатида эса электр энергияси 5 марта кам ишлаб чиқарилади. Бу эса Ўзбекистонда бирлик қийматдаги ЯИМ энергия сиғими анча катталигини ва электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича имкониятларимиз юқорилигини кўрсатади.

Шундай қилиб, “бирлик” даромадни олиш учун энергия тақчил бўлган давлатларда кўп энергия сарфланган, энергия кўп бўлган давлатларда эса энергия кам (тежамкор) сарфланиб кўпроқ даромад олинган. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш асосан энергия сиғими юқори ва арзон маҳсулотлар (қурилиш материаллари, кимёвий ўғитлар, қишлоқ хўжалиги, иккиламчи энергия ресурслар ишлаб чиқариш ва ш.ў.) ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб электр энергияси истеъмоллини камайтириш имконини чеклайди. Энергияга тўловлар арзон бўлганлиги сабабли энергия сиғими катта ва арзон маҳсулотлар ҳам кенг ишлаб чиқарилмоқда.

Кейинги омил, яъни, “Ўзбекистонда Электр энергетика соҳасининг инфратузилмаси, унга хизмат кўрсатиш ва фаолиятини бошқариш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди” фикрни таҳлил қиламиз. Охириги йилларда энергетика тизимини модернизация қилиш бўйича ислохотлар ўтказилди. Жумладан, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истемол жараёнларини рақамлаштириш мувафақиятли амалга оширилди. Иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг аксарияти ривожланган хорижий давлатлардан олиб келинган замонавий технологиялар асосида ишлаётгани сабабли ушбу маҳсулотларнинг техник самарадорлик кўрсаткичлари (маҳсулот бирлигига солиштира энергия сарфи ва

ФИК) юкори қийматга эга. Энергия ишлаб чиқарувчи манбалар ва қурилмаларни, энергияни узатиш ва тақсимлаш тизимларининг ҳам фойдали иш коэффициентини (ФИК) ҳам деярли фарқ қилмайди.



3-расм. Жаҳон давлатлари ичида электр тармоқларда қувват исрофлари қиймати, %

Энергетика тизимини замонавийлигини ёки инфратузилма самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири электр тармоқдаги қувват исрофлари ҳисобланади. 3-расмда жаҳон ва МДХ давлатларда электр тармоқлардаги қувват исрофлари фойиз миқдорида келтирилган [4]. Ушбу кўрсаткич бўйича биз ўртачадан яхшироқ ўринни ва МДХ давлатлари ичида эса энг яхши кўрсаткичлардан бирини эгаллаймиз. Шунинг учун, энергия тақчиллигини келтириб чиқарувчи сабаб сифатида ушбу даъво етарли даражада асосли эмас.

Охирги даъво, яъни “энергия истемолчиларига берилаётган субсидиялар энергия самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда” кўриб чиқамиз. Энергетика тизимида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишдаги яна бир тўсиқлардан бири энергияга тўловларни ошириш ёки эркинлаштиришдаги қийинчиликлар ҳисобланади. Маълумки, аҳолига етказиб берилаётган электр энергиясини субсидиялар орқали электр энергияси таннархидан (1000-1200 сўм) арзон (600 – 800 сўм) сотиляпти. Аксарият ҳолатларда субсидиялар энергия истеъмолини кескин ошиб кетишига сабаб бўлган. Бу ҳолат соҳани ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилишни қийинлаштирмоқда. Энергетика соҳасини эркин иқтисодиёт муносабатларига ўтказиш ва электр энергияси нархларини эркинлаштиришга ёки энергия нархини фойда кўриш даражасигача кўтариш жараёнини мунтазам кечиктиришга аҳолининг норозилиги сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда иш ҳақи анча кам шунинг учун электр энергиясига тўловлар етарлича юқори ва тарифларни ошириш адолатдан эмас” деб айтиляпти. Ўзбекистонда электр энергиясига тўловлар иш ҳақида қай даражада мутаносиб эканлигини таҳлил қиламиз.

Ушбу муаммо қуйидаги тартибда таҳлил қилинди. Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр энергия тўловлари ўртача иш ҳақининг (оила даромадининг) неча фоизини ташкил этади. Хорижий давлатларда ҳам ҳар бир хонадон Ўзбекистондаги миқдорда (223 кВт

соат) электр энергияси истеъмол қиладиган бўлса ойлик электр энергиясига тўловлар ўртача иш ҳақиға нисбатан салмоғи қандай бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Ойлик электр энергиясига тўловлар ўртача иш ҳақиға нисбатан салмоғи

№	Давлат номи	Ойлик истеъмол, кВт·соат	Тўлов ставкаси, сент/кВт * соат	Тўлов миқдори, долл.	Ўртача ойлик иш ҳақи, долл.	Иш ҳақиға нисбатан тўлов салмоғи, %	Ўзбекистонга нисбатан тўлов қарралиғи
1.	Германия	223	41	91.4	3072	3	1.2(9.8)
2.	Ўзбекистон	223	4.2	9.36	373	2.51	1 (1)
3.	Литва	223	28	62.4	1312	4.8	1.91 (6)
4.	Молдова	223	14	31.2	461	6.7	2.66 (5)
5.	Греция	223	27	60.2	1203	5.0	2 (6)
6.	Бангладеш	223	5.3	11.8	153	7.7	3 (1.3)
7.	Чехия	223	36	80.3	1312	6.11	2.26 (8.6)
8.	Мексика	223	9.8	21.85	389	5.6	2.23 (2.3)

1-жадвалдан Германияда Ўзбекистонга нисбатан иш ҳақи 8,23 бараварга, электр энергиясига тўлов ўртача иш ҳақиға нисбатан 1,2 бараварга, тўлов ставкаси эса 9,8 баравар [3] катта эканини кўриш мумкин [5]. Аксарият давлатларда электр энергиясига тўловлар ўртача иш ҳақини 3% атрофида эканини кўриш мумкин. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2.5 %ни ташкил этади. Кўпгина хорижий давлатларда жон бошига электр энергияси истеъмоли Ўзбекистондан юқори бўлганлиги сабабли реал тўловлар бундан ҳам юқори бўлади. Жадвалдаги охириги устунда ўртача иш ҳақиға нисбатан олинган фоизларни Ўзбекистондаги қийматга нисбатан қарралиғи ва қавс ичида эса жорий тўлов ставкалари нисбати келтирилган. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги аҳоли учун электр энергияси истеъмолига белгиланган тўловлар жорий қийматига кўра ҳам ўртача иш ҳақиға нисбатан ҳам энг кам тўловлардан бири эканини кўриш мумкин.

Энергия истеъмоли учун берилган субсидиялар ҳамма вақт ҳам самара беравермайди. Бу субсидиялар истеъмолни камайтириш ўрнига уни оширишига сабаб бўлади. Масалан, Араб давлатларида берилган субсидиялар туфайли 1971 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда ички нефтга бўлган талаб Кувайтда 521 фоизга, Қатарда 12 500 фоизга ва БААда 27 733 фоизга ошган. Ўзбекистон аҳолисини салмоқли қисмини ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ташкил этганини ҳисобга олиб электр энергиясига тўловни оширганда ушбу оилаларга субсидия бериш лозим бўлади. Субсидиялар истеъмол қилинган электр энергиясига эмас, ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларга манзилли йўналтирилган бўлиши лозим [6]. Таҳлиллар натижасига кўра, аҳолининг энг ижтимоий ҳимояга муҳтож 10% қисмига (3.5 млн) 200 кВт·соат ва яна 10% қисмига эса 100 кВт соат·электр энергияси тўловсиз етказилиб жами 7 млн. аҳолига манзилли ёрдам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ эканини кўрсатади. Аҳолининг қолган қисми электр энергиясини таннархдан кам бўлмаган қийматда сотиб олади ва давлат томонидан берилаётган субсидия 3 бараварга камайтирилади [6]. Бу ўз навбатида

сохани фойда кўриб фаолият юргизиш ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтказиш имконини беради.

Хулосалар. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши жон бошига ишлаб чиқарилаётган электр энергияси миқдорига боғлиқ бўлиб ушбу кўрсаткични камида 3000 кВт·соат/киши қийматга етказиш зарур. Ҳозирги кундаги энергия истемолидаги муаммоларни тезкор ва самарадор ечими “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳисобланади [7].

Ривожланган давлатларда инновацион иқтисодиётга ўтиш орқали иқтисодиётни электр энергиясини ишлаб чиқариш миқдорини оширмасдан ҳам (ёки камайтирган ҳолда) ривожлантириш имкониятини берган. Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга истемолчилар таркибини энергия сифими кичик ва юқори қўшимча қиймат яратишга ихтисослашган ишлаб чиқариш соҳаларига ўзгартириб бориш керак. Айниқса, рақамли иқтисодиётни яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, энергия тежамкор ва экологик тоза технологияларни жорий этишга эътиборни кучайтириш лозим.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон энергетика тизимини давлат монополиясидан чиқарилиб бозор муносабатларига асосланган ўзаро рақобат муҳитида фаолият олиб борувчи энергия ишлаб чиқарувчиларни эркин бозорини шакллантириш лозим. Бунда фақат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига субсидиялар бериш механизмлари таъминланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Most Powerful Economies in the World (1980-2026)
<https://www.youtube.com/watch?v=qmOnUSE6vjQ>.
2. Maiores Produtores de Energia Elétrica do Mundo (kWh)
<https://www.youtube.com/watch?v=tcVG7VZp7cw>.
3. https://ru.globalpetrolprices.com/electricity_prices/.
4. <https://www.indexmundi.com/facts/indicators/EG.ELC.LOSS.ZS/rankings>.
5. https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_средней_заработной_плате.
6. Садуллаев Н.Н., Ғофуров М.О., Неъматова З.Н. Ўзбекистонда электр энергияси нархларини ошириш ва табақалаштирилган таърифни жорий этишга оид таҳлилий хулосалар. Фар ПИ илмий техникавий журнали. ФарПИ: 2024. №10. 86 – 91 б.
7. Sadullayev N.N., G'ofurov M.O., Ne'matova Z.N. Яшил energetikani rivojlantirishni rag'batlantirishning me'yoriy ko'rsatkichlarini ishlab chiqish // Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot. Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal. Maxsus son: iyun-iyul. Toshkent, 2024. 99 – 107 b.

ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ ИШ РЕЖИМЛАРИ

Мақолада саноат корхоналари технологик жиҳозлари иш режимларини тўғри танлаш орқали электр энергиядан оқилона фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Технологик жиҳозлар иш режимлари асосан қуйидагиларга бўлинади, яъни, оптимал режим, нормал режим, вақтинчалик ишлаш режими, профилактик режим ва автоматлаштирилган режим. Ушбу технологик жиҳозларнинг иш режимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида, электр энергия истеъмолини камайтириш имкониятига эришилганлиги ёритиб берилган. Шу билан бирга саноат корхоналари технологик жиҳозларининг асосий иш режимлари математик моделлари таҳлил қилинган. Жумладан, иш режимларининг ҳар бири учун тегишли моделлаштириш бўйича ёндашувлари тақдим этилган. Ҳар бир иш режимининг техник-иқтисодий хусусиятлари ва ишлаш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг математик моделлари тузилган. Технологик жараёнларни аниқ ва самарали бошқаришда математик моделлардан фойдаланиш орқали энергия сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва жиҳозларнинг ишончилигини таъминлаш мумкин. Ушбу натижалар амалиётда автоматлаштириш ва оптималлаштириш жараёнларини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, электр энергия истеъмоли, технологик жиҳозлар, нормал режим, автоматлаштирилган режим, оптимал режим, вақтинчалик ишлаш режими, профилактик режими, математик моделлар, энергия сарфи, самарадорликни ошириш.

Ф.А. Хошимов, К.Ш. Кадилов, Х.У. Юсупалиева

Режимы работы потребления электроэнергии технологическим оборудованием

В статье рассматриваются вопросы рационального использования электроэнергии путем выбора правильных режимов работы технологического оборудования промышленных предприятий. Режимы работы технологического оборудования, в основном, подразделяются на оптимальный, нормальный, профилактический, автоматизированный режим временной эксплуатации. В результате изучения и анализа режимов работы данных технологических устройств отмечено, что достигнута возможность снижения потребления электроэнергии. При этом были проанализированы математические модели основных режимов работы технологического оборудования промышленных предприятий. В частности, представлены соответствующие подходы к моделированию для каждого из режимов работы. С учетом технико-экономических характеристик и условий эксплуатации каждого режима работы создаются их математические модели. Установлено, что, используя математические модели для точного и эффективного управления технологическими процессами, можно снизить энергопотребление, повысить эффективность производства и обеспечить надежность оборудования. Обосновано, что эти результаты служат основой для совершенствования процессов автоматизации и оптимизации на практике.

Ключевые слова: промышленные предприятия, электропотребление, технологическое оборудование, нормальный режим, автоматизированный режим, оптимальный режим, временный режим работы, профилактический режим, математические модели, энергопотребление, повышение эффективности.

F.A. Xoshimov, K.Sh. Kadirov, H.U. Yusupaliyeva

Operating modes of electricity consumption technological equipment

The article considers the issues of rational use of electric power by selecting the correct operating modes of technological equipment of industrial enterprises. Operating modes of technological equipment are mainly divided into the following: optimal mode, normal mode, temporary operation mode, preventive mode and automated mode. As a result of studying and analyzing the operating modes of these technological devices, it was noted that the possibility of reducing energy consumption was achieved. At the same time, mathematical models of the main operating modes of technological equipment of industrial enterprises were analyzed. In particular, the corresponding approaches to

modeling for each of the operating modes are presented. Taking into account the technical and economic characteristics and operating conditions of each operating mode, their mathematical models are created. Using mathematical models for accurate and efficient control of technological processes, it is possible to reduce energy consumption, increase production efficiency and ensure the reliability of equipment. These results serve as a basis for improving automation and optimization processes in practice.

Keywords: industrial enterprises, power consumption, technological equipment, normal mode, automated mode, optimal mode, temporary operation mode, preventive mode, mathematical models, energy consumption, increasing efficiency.

Саноат корхоналарида технологик жиҳозлар иш режими ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича масалалар, одатда, ишлаб чиқариш жараёнларининг самарали ташкил этилиши, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, автоматлаштириш даражасини ошириш ва техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали ҳал этилади. Технологик жиҳозлар иш режимини оптималлаштиришда жиҳозлар иш режимига тааллуқли маълумотларни йиғиш (иш унумдорлиги, энергия сарфи, ишлаш цикли) ва таққослаш орқали энг кам самарадорликка эга бўлган жараёнларни аниқланади. Технологик жиҳозларнинг оптимал режимини ўрганишда жиҳозларнинг иш вақтини режа асосида ташкил этиш ва иш соатларини сменаларга бўлиш ҳамда тизимли диагностика орқали носозликлар вақтида аниқлаш ва тезда бартараф этиш самарадорликни ошириш имкониятини яратади [1 – 6].

Технологик жиҳозлар электр энергия истеъмол қилишда оптимал иш режими — бу электр энергиясини самарали ва кам сарфи билан ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган иш режими ҳисобланади. Ушбу режимнинг асосий мақсади жиҳозлардан энергия сарфини минималлаштириш ва ишнинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобига самарадорликни оширишдир.

Саноат корхоналарида технологик жиҳозлар қуйидаги иш режимлари асосида ишлайди:

- нормал;
- вақтинчалик;
- профилактик;
- автоматлаштирилган;
- оптимал [7 – 9].

Нормал иш режими – бу режимда жиҳозлар ва ускуналар бир хил юклама билан ишлайди. Жараёнлар белгиланган стандартларга ва меъёрларга асосан амалга оширилади. Бу иш режимида ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари ишончли равишда амалга оширилади.

Нормал иш режимида технологик жиҳозлар ва ускуналар ишлашининг асосий ва стандарт тартиби бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни барқарор, самарали ва хавфсиз ҳолда амалга оширилишига асос бўлади. Бу режимда **барча кўрсаткичлар меъёрларга мувофиқ бўлади**. Жиҳозлар ишлатилишида ҳар бир технологик **кўрсаткич** (ҳарорат, босим, ишлаш тезлиги, кучланиш ва ҳ.к.) стандартларга мувофиқ бўлади. Ушбу **кўрсаткичлар** ишлаб чиқаришнинг белгиланган талабларига асосан ҳисобланади.

Нормал иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикаси, иш жараёнида жиҳозлар ишлаган ҳолда, электр энергиясининг сарфланишини таъминлайди. Нормал иш режимида, технологик жиҳозлар белгиланган иш режимида фаолият кўрсатади ва энергия истеъмоли одатда доимий ёки аниқ бир циклга асосланади. Бу динамика одатда юқори самарадорлик ва энергия сарфини минималлаштиришга йўналтирилган.

Нормал иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикасининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

1. **Доимий энергия сарфи.** Нормал иш режимида жиҳозлар ёки ускуналарнинг ишлаш давомида энергия сарфи одатда стабил ва доимий бўлади. Агар ускуналарнинг ишлаш муддати ва иш шартлари стандарт бўлса, энергия сарфининг барқарорлигини таъминлайди.

2. **Технологик жараённинг барқарорлиги.** Технологик жиҳозлар белгиланган режимга мувофиқ ишлашни давом эттирса, энергия сарфи ҳам барқарор бўлади. Бунинг натижасида энергия сарфида узлуксизликлар ёки катта ўзгаришлар кузатилмайди.

3. **Энергия сарфининг аниқ цикли.** Жиҳозларнинг ишлаш тартибига кўра, энергия сарфи ҳар бир циклда аниқ бўлиши мумкин. Масалан, агар ускуна циклга асосланган иш режимида ишласа, ҳар бир циклнинг бошида энергия истеъмоли максимал бўлиши, кейин эса пастлаши мумкин.

Бир сменада фаолият олиб борувчи корхона технологик жиҳозлари турли хил иш режимлари асосида электр энергия истеъмоли таҳлил қилиб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Бир сменада фаолият олиб борувчи корхона технологик жиҳозлари турли хил иш режимлари асосида электр энергия истеъмоли

Вақт	Электр энергия истеъмоли кВт·соат	Изоҳ
1	2	3
<i>Нормал иш режими</i>		
08:00	800	Жараён бошланиши, ускуналарнинг ишга тушиши
09:00	900	Барқарор ишлаш, энергия сарфи деярли ўзгармайди
11:00	850	Технологик жараён давом этмоқда
12:00	1000	Максимал ишлаш вақти, энергия сарфи юқори
14:00	950	Жараённинг барқарор даври, энергия сарфи камаймайди
16:00	900	Ишнинг барқарор олиб борилиши, энергия сарфи камаймайди
18:00	800	Иш вақти тугаши, энергия сарфи пасаяди
<i>Вақтинчалик иш режими</i>		
08:00	700	Жараён бошланди, ускуна фаолият кўрсатмоқда
09:00	600	Вақтинчалик иш режимида, энергия истеъмоли пастаймоқда
11:00	500	Техник хизмат ва профилактика даври, энергия сарфи камаяди
13:00	400	Жараённинг барқарор даври, тўхташлар ёки таъмирлаш ишлари
15:00	700	Ишлаб чиқариш жараёни қайтадан бошланди
17:00	600	Технологик жараён тўхтатилиши ёки қайта ишлаш
18:00	400	Профилактика ёки техник хизматлар давомида

1-жадвал давоми

1	2	3
<i>Профилактик иш режими</i>		
08:00	800	Жараён бошланди, ускуна ишламоқда
09:00	600	Профилактика учун техник хизмат бошланди, энергия сарфи пастаяди
11:00	500	Техник хизмат даври, ускуна ишлашни камайтирмоқда
13:00	200	Техник хизмат ёки профилактика, энергия сарфи минимал
15:00	300	Жараён қайта бошланди, ускуна ишлашни қайта тиклайди
17:00	700	Профилактикадан сўнг ишлаш қайта тикланди
18:00	800	Барқарор иш режимига ўтиш, энергия сарфи ўзгаришларсиз
<i>Автоматлаштирилган иш режими</i>		
08:00	900	Автоматик тизим ишни бошлади, энергия истеъмоли юқори
09:00	850	Энергия сарфи камайишни бошлади, ишлаш нормаллашмоқда
11:00	800	Жараён барқарор, энергия истеъмоли анча пастаймоқда
13:00	700	Автоматик тизим ишлашни оптималлаштирмоқда, энергия сарфи камаяди
15:00	750	Ишламақда бўлган ускуналарнинг фаолияти камайган
17:00	800	Жараённинг тўлиқ ишлаши, энергия истеъмоли ортади
18:00	850	Автоматлаштирилган тизимда энергия истеъмоли юқори
<i>Оптималь иш режими</i>		
08:00	850	Ишнинг бошланиши, юқори энергия истеъмоли
09:00	780	Ишлаш режимининг тўғри тартибга солиниши
11:00	750	Барқарор ишлаш, энергия сарфи камаяди
13:00	700	Профилактикадан сўнг энергия истеъмоли пастайиши
14:00	710	Истеъмолнинг тартиб бориши
15:00	720	Янги режимга ўтиш, энергия сарфи камайиш
17:00	780	Ишлашнинг юқори босқичи, энергия истеъмоли аниқ тартибда

Технологик жиҳозлар тури ва уларнинг энергияга бўлган талабидан келиб чиқиб, жиҳозлар тури ҳам энергия истеъмолининг динамикасини белгилайди. Агар жиҳозлар юқори энергия талабига эга бўлса, уларнинг энергия истеъмоли юқори бўлади, акс ҳолда ускуналарнинг энергия истеъмоли пастроқ бўлиши мумкин.

Нормал иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикасининг асосий ишлаш давлари бу технологик жиҳозлар ишлаган пайтда уларнинг энергия истеъмоли ҳар бир ишлаш циклига боғлиқлигидадир. Агар жиҳозлар 24 соат ишласа, энергия истеъмоли барқарор ва мунтазам бўлади. Баъзи жиҳозлар ёки жараёнлар қўшимча энергия истеъмол қилишга боғлиқ ҳолда ишлайди.

Нормал иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилишнинг афзалликлари. Бу нормал иш режимида энергия сарфи аниқ ва барқарор бўлади. Бу иш жараёнининг самарали бошқарилиши ва электр энергиясини оптимал ишлатишга ёрдам беради.

Жиҳозлар нормал ишлаш шартларида самарали энергия сарфлашга ёрдам беради. Бу корхона учун иқтисодий манфаатлар, масалан, энергия сарфи

камайишига олиб келади. Нормал иш режими билан бошқариладиган технологиялар учун энергия истеъмоли юқори самарадорликка эга бўлади.

Нормал иш режимида электр энергиясини истеъмол қилиш динамикаси иш жараёнини оптималлаштириш ва сарфланишни камайтириш учун ёрдам беради.

Вақтинчалик иш режими – бу режимда технологик жиҳозлар вақтинча ишлайди ва бошқа вақтларда тўхтатилади ёки тиклаш учун вақтинча ўчирилади. Бунда, жиҳозлар тўғри ишлашни қайта тиклаш ёки жараён бошқа ҳолатга ўтказилади. Ишлаб чиқариш жараёни технологик жиҳозларда номутаносиблик ёки ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига таъсир қилган ҳолатларда паст тартибда ишлайди.

Вақтинчалик иш режимда (масалан, авария ҳолатлари, таъмирлаш ва бошқалар учун) технологик жиҳозларнинг электр энергиясини истеъмол қилишнинг вақт билан ўзаро боғлиқлиги тушинилади. Вақтинчалик иш режимида жиҳозлар нормал иш режимидан фарқли ҳолда, ускуналарнинг энергияга бўлган талаби ва иш шароитлари ўзгариши мумкин.

Вақтинчалик иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикасининг асосий хусусиятлари энергия истеъмолининг ўзгариши бўлади. Вақтинчалик иш режимида электр энергиясининг истеъмоли, одатда, нормал иш режимига нисбатан ўзгариб туради. Ускуналарнинг ишлаш шароити, авариялар ёки таъмирлаш жараёнлари энергия талабларини ошириши ёки камайтириши мумкин.

Вақтинчалик иш режимида энергия сарфи нормага қараганда ёмонлашади, яъни, ускуналарнинг ишлашини тиклаш вақтида энергия истеъмоли ошишига сабаб бўлади.

Вақтинчалик иш режими технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикасининг асосий элементларида тўхташ ва техник хизматлар вақтида истеъмолнинг пасайиши кузатилади. Масалан, техник хизматлар, профилактикалар ёки авария туфайли иш жараёни тўхтатилганида, энергия сарфи анча пасаяди, бу ҳолат 1-расмда келтирилган графикда 11:00 дан 13:00 вақт оралиғида акс этганини кўриш мумкин. Бундай ҳолатда баъзи жиҳозлар энергия истеъмолини максималлаштиришга ёки минималлаштиришга мажбур бўлади.

Профилактик иш режими – бу ҳолатда жиҳозлар ёки ускуналар текширилади, таъмирланади ёки профилактик хизмат кўрсатилади. Технологик жиҳозларнинг ишлаш ҳолати мониторинг қилинади ва уларнинг ишлаш давомида барча жиҳозлар ишлатишга ёки таъмирлашга талаб юқори бўлади. Жиҳозлар муаммоларга ёки ишдаги ёки амалиётдаги кичик хатоликларга олиб келса, улар тўлиқ текширув ва қайта тиклашни талаб қилади.

Профилактик иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикаси — бу технологик жиҳозлар профилактика ёки техник хизмат кўрсатиш даврида электр энергиясининг истеъмол қилинишини англатади. Профилактик иш режимида жиҳозлар ишламаган ёки қисман ишлаши мумкин, шунинг учун электр энергиясининг истеъмоли, одатда, паст ва баъзи ҳолларда минимал бўлади.

Профилактик иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикасининг техник хизмат ва профилактика жараёнлари жиҳозлар ишлаш вақтидан тўхташи мумкин. Бу вақтда жиҳозларнинг иш тури ва фаолиятнинг камаяди. Профилактика ёки техник хизмат даврида жиҳозлар кам ишлайди ёки тўлиқ тўхтади, натижада энергия истеъмоли камаяди. Бу, ўз навбатида, энергия сарфини оптимизация қилишга ёрдам беради.

Автоматлаштирилган иш режими – бу режимда технологик жараёнлар автоматик контрол ёки таҳлил қилиш тизими орқали бошқарилади. Бундай режимлар тўғридан-тўғри роботлар ёки дастурлар томонидан амалга оширилади.

Саноат корхоналари технологик жиҳозлари иш режимлари одатда белгиланган иш муҳити орқали ишлашга боғлиқ муаммолар ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали ҳамда хавфсиз олиб бориш учун муҳим аҳамиятга эга.

Автоматлаштирилган иш режимида энергия истеъмоли аниқ мониторинг қилинади. Бу мониторинг тизими орқали энергия истеъмолининг ўзаро боғлиқликлари ва тўғри равишда бошқаришни таъминлаш мумкин. Ушбу режимда жиҳозлари маълум ҳолатларда фаолиятни ўзгартиради.

Автоматлаштирилган иш режимида технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилиш динамикаси жиҳозлар фаолиятига қараб энергия истеъмолини самарали ва минималлаштирилган ҳолда таъминлайди. Автоматик тизимлар жиҳозларини тез ва аниқ назорат қилишга имкон беради. Автоматлаштириш орқали энергия сарфи пасаяди. Ҳар қандай вақтида автоматик равишда энергия сарфини оптималлаштириш ва камайтириш мумкин.

Оптимал иш режимида энергия сарфини тўғри тақсимлаш лозим. Бу режимда ҳар бир жиҳознинг ишини мунтазам равишда тартибга солиш ва энергия сарфига таъсир қилувчи омиларни бартараф қилиш керак.

Технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилишда оптимал иш режимига қуйидаги талаблар қўйилади.

Режимларнинг интеграцияси. Жиҳозлар ўз фаолиятини энергия сарфига таъсир қилишнинг ҳар бир босқичида интеграция қилиш учун турли режимлар (нормал, вақтинчалик, профилактик, автоматлаштирилган) билан мослашиши керак. Бу орқали жиҳозлар самарали ишлаш учун минимал энергия сарфини таъминлайди. Технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилишда оптимал иш режими автоматик мониторинг орқали таъминланиши керак. Бу тизим жиҳозларнинг энергия сарфини аниқлашга ва ишлаш режимларини тўғри тартибга солишга ёрдам беради.

Бир сменада ишлайдиган корхонада электр энергияси сарфини назорат қилиш бу технологик жиҳозлар энергия сарфи мониторингидан ўтиш керак. Яъни доимий мониторинг иш даврларига мос равишда энергия сарфини оптимал тақимлашда ёрдам беради.

Тизимнинг мослашувчанлиги жиҳозларнинг ишлаш муҳитига ва ишлаб чиқариш талабларига мослашувчанлигини таъминлаш керак. Бунинг натижасида энергия сарфини камайтириш ва ишлаш тизимини барқарор сақлашга ёрдам беради.

Оптимал иш режимининг афзалликлари жиҳозлар энергия сарфини самарали тартибда бошқаради ва тўғри режимлар орқали минимал сарфга эришиш имкониятини яратади. Жиҳозлар турли ҳолатларга мослашиб, ишлаш барқарорлигини таъминлайди, бу ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Автоматлаштириш орқали самарадорлик оширилади, яъни автоматик мониторинг ва бошқариш тизимлари орқали жиҳозлар ишлаш режими самарали ва энергия сарфига таъсир этувчи омиларни аниқлашга ёрдам беради.

Юқорида кўриб чиқилган бир сменада фаолият олиб боровчи корхона технологик жиҳозлари турли хил иш режимлари асосида электр энергия истеъмол графиги шакллантирилди (расм).

Юқорида келтирилган технологик жиҳозларнинг иш режимларини тавсифлаш учун қуйидаги математик моделдан фойдаланилади [10 – 11]:

Нормал иш режими – стационар модел


$$P(t) = P_0 \text{ ва } Q(t) = Q_0. \quad (1)$$

Бу ерда $P(t)$ – вақт бўйича қувват сарфи (кВт); $Q(t)$ – маҳсулот ишлаб чиқариш хажми (кг/соат); P_0, Q_0 – доимий қийматлар. Бу режимда тизим **барқарор ҳолатда** ишлайди, ўзгаришлар йўқ.

Вақтинчалик иш режими – дискрет ёки импульсли модел

$$P(t) = \begin{cases} P_1, & t_1 \leq t \leq t_2 \\ 0 & \text{бошқа ҳолларда} \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда $P(t)$ – қувват сарфи; t_1, t_2 – вақтинчалик ишлаш интервали; P_1 – иш пайтидаги қувват сарфи. Қурилма фақат маълум вақт оралиғида ишлайди (масалан: 100–110 дақиқа), қолган вақтда ишламайди.



Бир сменада фаолият олиб боровчи корхона технологик жиҳозлари турли хил иш режимлари асосида электр энергия истеъмол графиги

Профилактик режим – ишончилилик моделлари

$$R(t) = R_0 \cdot e^{-\gamma t}, \quad (3)$$

бу ерда $R(t)$ – ишончилилик функцияси (тизим қанчалик ишончли); γ – носозлик юз бериши эҳтимоли (интенсивлик коэффиценти). Қурилмалар вақт ўтиши билан эскиради; профилактика носозлик эҳтимолини камайтиради.

Автоматлаштирилган режим – бошқарув тизими модели янъи автоматик бошқарувда ишлатиладиган интеллектуал бошқарув алгоритми (PID)

$$u(t) = k_p e(t) + k_i \int e(t) dt + k_d \frac{de(t)}{dt}, \quad (4)$$

бу ерда $u(t)$ – бошқарув сигнали; $e(t)$ хатолик (зарурий ва ҳақиқий қиймат фарқ); k_p, k_i, k_d – PID коэффиценти. Бошқарув тизими хатоликка қараб тўғрилаш киритади (масалан: кучланиш, частота, ва бошқа).

Оптимал иш режими – оптималлаштириш модели

а) Модель (мақсадли функция):

$$E_{min}(x) = a_1 P(x) + a_2 T(x) + a_3 C(x). \quad (5)$$

Чегаравий шартлар билан:

$$Q_x \geq Q_{min}; P(x) \leq P_{max}; x \in X,$$

бу ерда $E_{min}(x)$ – умумий харажат (энергия, вақт, нарх); $P(x), T(x), C(x)$ – қувват, вақт, харажат функциялари; a_1, a_2, a_3 – ҳар бир омилга берилган коэффиценти. Бу модел самарадорликни ошириш учун энг мақбул параметрларни танлашга ёрдам беради. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида автоматлаштириш, мунтазам техник хизмат кўрсатиш ва инновацион ечимлардан фойдаланиш самарадорликни оширишнинг энг самарали усуллари хисобланади.

Технологик жиҳозларнинг иш режимларининг математик ёндашувларини таққослаш

Иш режими	Математик модел тури
Нормал	Доимий қийматли (стационар) модел
Вақтинчалик	Импульсли / вақтга боғлиқ функция
Профилактик	Ишончилиқ функцияси (экспоненциал)
Автоматлаштирилган	PID бошқарув модели
Оптималь	Оптимальлаштириш (мақсадли функция)

Хулоса қилиб айтганда, технологик жиҳозлар электр энергиясини истеъмол қилишда оптималь иш режими — бу энергия сарфини минималлаштириш, ишлаш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнини барқарорлаштиришга қаратилган режимдир (2-жадвал). Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, профилактика ва техник хизмат кўрсатиш орқали энергия сарфини тўғри бошқариш имконияти яратилади.

Саноат корхоналарида технологик жиҳозларнинг ишончили, самарали ва барқарор ишлаши ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳамда энергия самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай ускуналар бир нечта иш режимларида фаолият юритади: **нормал, вақтинчалик, профилактик, автоматлаштирилган** ҳамда **оптималь иш режимлари**. Ҳар бир иш режими ўзининг техник-маъмурий мақсади, иш вақти ва энергия сарфи бўйича хос хусусиятларга эга.

Саноат корхоналари технологик жиҳозлар иш режимлари таҳлили асосида самарадорликни оширишда технологик жиҳозларнинг **иш режимларини математик моделлаштириш ёндашувларини қўллаш** орқали **ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, энергия тежаллади, харажатлар камаяди, жиҳозлар узокроқ муддат ишлайди ва асосийси маҳсулот сифати юқори бўлади**.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хашимов Ф.А. Оптимизация использования энергоресурсов в текстильной промышленности. Ташкент, 2005. – 250 с.
2. Xoshimov F.A., Kadirov K.Sh., Kushev A.P., Yusupaliyeva X.U. Technological process and laws of change of energy consumption parameters of spinning enterprises // E3S Web of Conferences 497, 01013. 2024. ICECAE 2024 <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202449701013>.
3. Xoshimov F.A., Kadirov K.Sh., Yusupaliyeva X.U., Azimova K.S. To'qimachilik korxonalarida yillik elektr energiya iste'molining yuklama grafiklarini shakllantirish // Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies Hosted online from Paris, France. Date: 19th October – 2024. P. 126 – 130.
4. Xoshimov F.A., Kadirov K.Sh., Yusupaliyeva X.U., Azimova K.S. Elektr energiya iste'molining yuklama grafiklarini shakllantirish imkoniyatlari // Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia 11th October – 2024. ISSN: 2835-5733. P. 333 – 337.
5. Хошимов Ф.А., Кадиров К.Ш. Нормирование энергоресурсов на предприятиях по переработке сельскохозяйственной продукции с современным технологическим оборудованием. «PUBLISHING HIGH FUTURE». Ташкент, 2024. С. 105.

6. Кадиров К.Ш. Энергия самарадорлигини оширишда технологик жиҳозлар иш режимларини оптималлаштириш // “Энергетика ва энергия тежаш муаммолари” республика илмий-амалий анжумани. Тошкент, 2025. 385–388б.
7. Кадиров К.Ш. Технологик жиҳозлар иш режимини ўзгартириш ҳисобига энергия самарадорлигини ошириш// “Энергетика ва энергия тежаш муаммолари” республика илмий-амалий анжумани. Тошкент, 2025. 397–400б.
8. Хошимов Ф.А., Дзевенцкий А.Я., Ибрагимов К.Х. Метод анализа и расчета энергоемкости продукции предприятий, использующих комплексную электрическую энергию и энергию вторичных энергоносителей. М.: Промышленная энергетика, 2001. №4.
9. Гуляев В.С. Энергосбережение в промышленности. М.: Энергоатомиздат, 2010.
10. Джабаров Ш. Т. Саноатда энергия тежаш технологиялари. Тошкент: Fan va texnologiya nashriyoti, 2019.
11. Xoshimov F.A., Kadirov K.Sh., Yusupalieva X.U. Sanoat korxonalari texnologik jihozlari ish rejimini optimallashtirish // International Conference on economics, finance, Banking and management Paris, France. Date: 24th March – 2025. P. 124 – 129.

ЎЗР ФА Энергетика муаммолари институти

04.04.2025

кабул қилинган

УДК 621.316

Ш.В. ХАМИДОВ, Р.М. ТАНИРБЕРГЕНОВ, Б.Р. НОРМУРАТОВ

ОПТИМИЗАЦИЯ ПОТЕРЬ МОЩНОСТИ В ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ СЕТИ С ПОМОЩЬЮ УСТРОЙСТВ FACTS

В статье рассматриваются вопросы режимной управляемости электроэнергетическими системами на базе применения устройств гибких управляемых систем электропередачи FACTS. Приведены примеры расчетов установившихся режимов 32-узловой тестовой схемы. Выполнен анализ эффективности установки устройств STATCOM и SVC в отдельных узлах сети. Результаты моделирования показывают снижение потерь активной мощности и улучшение качества параметров режима в критических узлах сети. Предложенные решения способствуют более надежной и гибкой работе энергосистемы в условиях переменных нагрузок и генерации при масштабном внедрении возобновляемых источников энергии.

Ключевые слова: энергосистема, FACTS, STATCOM, SVC, устойчивость сети, реактивная мощность, потоки мощности.

Ш.В. Хамидов, Р.М. Танирбергенов, Б.Р. Нормуратов

FACTS қурилмалари ёрдамида электр тармоғидаги қувват йўқотишларини оптималлаштириш

Мақолада FACTS электр узатишнинг мослашувчан бошқариладиган тизимлари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда электр энергетика тизимларининг режимли бошқаруви масалалари кўриб чиқилган. 32-туғунли тест схемасининг устувор режимлари учун ҳисоблаш мисоллари келтирилган. Тармоқнинг айрим тугунларига STATCOM ва SVC қурилмаларини ўрнатиш самарадорлиги таҳлил қилинган. Моделлаштириш натижалари актив қувват йўқотишларининг камайиши ва тармоқнинг танланган тугунларида режим параметрларининг яхшиланишини кўрсатмоқда. Таклиф этилган ечимлар ўзгарувчан юклама ва генерация

шароитида, қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг қўламда жорий этилиши шароитида, энергетика тизимининг ишончли ва мослашувчан ишлашни таъминлайди.

Калит сўзлар: энергия тизими, FACTS, STATCOM, SVC, тармоқ барқарорлиги, реактив кувват, кувват оқими.

Sh.V. Khamidov, R.M. Tanirbergenov, B.R. Normuratov

Optimization of Power losses in the Electrical Grid using FACTS devices

The article addresses the issues of operational controllability of power systems based on the application of Flexible AC Transmission Systems devices. Steady-state operation simulations were conducted using a 32-bus test network. The effectiveness of installing STATCOM and SVC devices at selected nodes of the network was analyzed. The simulation results demonstrate a reduction in active power losses and an improvement in operating parameters at critical nodes. The proposed solutions contribute to more reliable and flexible operation of the power system under variable load and generation conditions, especially in the context of large-scale integration of renewable energy sources.

Keywords: power system, FACTS, STATCOM, SVC, grid stability, reactive power, power flow

Быстрое экономическое развитие республики приводит к росту динамики потребления электроэнергии, что ведет к увеличению потребности в электроэнергии и требует увеличения как базовой, так и маневренной мощности. На современном этапе в энергетическом секторе Узбекистана предусматривается поэтапный переход отраслей топливно-энергетического комплекса (ТЭК) в высокотехнологичной инфраструктуре.

Однако планируемый рост потребления электроэнергии, нехватка вновь вводимых новых мощностей и сложные условия для их строительства и эксплуатации, а также производство электроэнергии от возобновляемых источников энергии (ВИЭ) приводит к проблеме балансирования и регулирования энергетической системы.

Рост генерации от солнечных электростанций (СЭС) и ветряных электростанций (ВЭС), работа которых зависит от погодных условий и которые имеют переменную генерацию, требует надежные базовые и маневренные мощности для обеспечения стабильности сети.

Маневренная мощность энергосистемы – это резервные мощности, которые могут быть быстро активированы или деактивированы в ответ на изменения в потреблении электроэнергии. Они необходимы для поддержания стабильности частоты в энергосистеме в условиях изменения спроса и предложения.

Для интеграции ВИЭ необходимо наличие систем накопления энергии (СНЭ) для балансировки сети. Даже при наличии достаточных генерирующих мощностей в отдельных регионах их передача к потребителям может быть ограничена из-за нехватки соответствующих линий электропередач и трансформаторных подстанций.

Неравномерный характер потребления электроэнергии в суточном разрезе требует оперативного изменения режима работы электрических станций. Однако существующие регулировочные возможности действующих электростанций приводят к появлению дефицита мощности.

Для покрытия пиковых нагрузок целесообразно использовать гидроэлектростанции и газотурбинные электростанции (ГТЭС), которые могут запускаться и достичь полной мощности в течение 10–30 минут, при необходимости ГТЭС способны быстро снижать мощность [1 – 10].

